



Коррупцияга қарши курашиш аксарият ҳолларда йиғилиш, семинар, тренинг ўтказиш ва чиройли расмлар билан матбуотда эълон қилиш даражасида турибди. “Таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида хуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чоратадбирлар татбиқ этилиши” бошланди, “умумий ўрта, ўрта маҳсус, касбхунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирил”ди, “Дастур”, “Йўл ҳаритаси”, “чора-тадбирлар режаси” ва ҳоказолар ишлаб чиқилди.

**Яхшидир аччиқ ҳақиқат...**

## “УЙГОНМАСАК, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗНИ КЕЧИРМАЙДИ!..”

Ахир, коррупция иқтисодни вайрон қилмоқда, ҳалқни қашшоқлаштирумокда, давлатни ҳам емиро мокда, дунёнинг олдида шарманда қилмоқда.

Миллат бир қалкиниб, уйгониши керак: наҳотки ҳалол яшай олмасақ, “яна бир-икки йил” аввалгида яшаб турайлик, десак. Мана, бир сенаторнинг сўзи: “Ўзбек жамиятидаги коррупция иллатини икки-уч йилда бирданига тозалаб ташлашнинг иложи йўқ... Бу иллатларнинг илдинини жамиятдан суғуриб ташлаш учун эса йиллар керак”. Сўрагинг келади: “Биз-ку кўрмаймиз, шекилли... Болаларимиз, невараларимиз кўрадими?!”

### Коррупция нима ўзи?

Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ходисадир.

Афсуски, ижтимоий фикр сўралганда коррупция энг кўп тарқалган соҳалар сифатида тиббиёт ва таълимни айтишади, чунки прокуратура ёки милицияга ҳар кимнинг иши тушавермайди ва тушмасин ҳам. Аслида коррупция ботқогига ботмаган соҳа қолмаган. Бола туғиладиган түғруқхонадан то сўнги манзил бўлган қабристонгача коррупция бор – яхши пул бермасанг, тузукроқ ердан қабр ҳам ололмайсан... Чегарадан ўтадиган божхонадан нолиди, судга борган судловнинг қаллоблигидан фифон чекади, банкка борган кредитни порасиз олиб бўлмаслигидан додлайди.

Албатта, таълим ва тиббиёт ҳам коррупциядан холи эмас. Коррупциядан холи ер йўқбу юртда....

ЎзАдаги хабарга кўра: “Масалан, тиббиётда бюджет маблағларининг 25-30 фоиз самарасиз кетмоқда. Кўплаб соҳаларда давлат ҳаридлари ёпиқ ҳолда амалга оширилмоқда”. Ўзимизнинг тилга ўғирсак, бюджетнинг учдан бири — триллионлаб маблағлар ўмарилмоқда дегани ва бу давлат ахборот агентлигининг авайлаб айтган хабаридир.

Коррупциянинг кўламини ҳис қилиш учун по-рахурлик, “откат” (бюджетдан маҳсулот ҳарид қилишдан улуш олиш), ҳокимиятни сунистельмол қилиш, қавм-қариндошлиқ ва таниш-билишчилик қайси соҳаларда эканига эътибор бериш керак. Умрида паспорт алмаштириш учун бир неча бор милицияга борган, иши умуман судга ва прокуратурага тушмаган аксарият одамлар бу

тизимлардаги коррупцияни билмаслиги табиийдир. Ҳалқ мактаб ва институтга боради, мазаси кочса, поликлиника ва шифохонага югуради, сув, газ ва электр корхоналигига иши тушади. Шунинг учун факат шу соҳаларда коррупция бор деб билади. Аслида коррупция дараҳтининг асл илдизлари узун ва, пастга эмас – юқорига қараб кетгандир, кетгандан ҳам юқорилаган сари йўғонлашиб кетгандир.

Аслида бу соҳалардаги коррупция – юқоридаги улкан коррупциядан келиб чиқади – бу бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилмаслигидан, “йўлда” ўмарилуб, университет, мактаб, касалхонага етиб келмаслигидан юзага келган оқибатлардир.

Мактабда ҳалқ нимадан нолиди: тез-тез пул ийғилади: байрамга, муаллимлар кунига, синфни таъмирлашга, деразага парда олишга, мактаб фондига, кириб-чиқиши электрон тизимида... Бунга бюджетдан маблағ ажратилади-ку?!

### Маблағ ҳали-ҳануз манзилига етаётгани йўқ!

Тиббиётда ҳалқ нимадан норози: маош камлигидан малакали шифокорлар хусусий клиникаларга ишга ўтиб кетган, давлат поликлиника-касига ёки шифохонасига борсанг, ташҳис ва таҳлил учун пуллук клиникаларга юборади. Савол туғилади: хусусий клиникадаги ўша оддий тадбиркор сотиб олган хорижий ташҳис ё таҳлил аппаратини бюджети триллионлаб бўлган давлат сотиб ололмайдими?!

Маоши озлиги учун икки жойдан ҳақ оладиган шифокор таҳлил учун таниш ва ҳақ олиб турадиган хусусий клиникага юборади ёки дори-дармон ёзиб берса, таниш аптекага йўллади. Касалхонага ётсанг, тўшагингни ўзинг олиб борасан, дори-дармонингни ўзинг сотиб оласан, касалхонанинг овқатида уч кунда кўзинг тиниб, ийқилиб тушасан, шунинг учун овқатни ҳам уйдан ташшади. Бюджетнинг пуллари қайга кетади?!

### Шундай қилиб...

Ишга қабул қилиш ҳам – коррупциянинг таркибий қисмидир, лавозимнинг “шапкаси” ноконуний даромади борлигининг даражасига қараб белгиланади.



“Соққа қилиш” имкони юқори ўринларга миллионлаб доллар порабилан кирилади, “даромади” камроқларига камроқ пора берилади, таниш-билишчилик, ҳамюртлик, тўдачилик муносабатлари ишга тушади. Бу иллат бутун маъмурий ва ижтимоий соҳани қамраб олган.

Эшишиб қоламиз, бoggага, мактабга, шифохонага ишга киришга пора олаётганлар ёки берётганлар кўлга тушади. Ҳайратли ҳол, лекин сабаби аниқ. 700 000-800 000 сўм (70-80 АҚШ доллари) маоши бор ҳамшираликка ишга киришга 1000-2000 АҚШ доллари пора сўрашади ва, қарз-қавола қилиб, берадиганлар бор?! Чунки бу ишда ҳам ҳаром “кўшимча даромад” бор-да.

Амалдор қариндошлари ва ҳамтоворқларига корхона ёки фирма очиб беради ва давлат бюджетидан ҳарид килинадиган маҳсулотларга ёки амалга ошириладиган ишларга ҳеч бир тендерсиз-танловсиз ёхуд номигагина ўтказилган ёпиқ кўриклар орқали шу танишларга буюртма беради.

### Мисол керакми?

Ҳали ёдимизда ва, қолаверса, ўша хоким ҳануз иқтидорда, аудиоёзувлар борлиги, тартиблар ўша-ӯша бўлгани учун айтамиз. Ижтимоий тармоқларда Андижон вилояти ҳокими вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарини “ифлос, ҳайвон, ҳезалак” деб сўккан аудиоёзув тарқалганди ва анчагина муҳокамаларга нишон бўлганди.

Икки соатлик бақир-чакирни эшитиш ҳам оғир, бу ерда келтириш ҳам мушкул ва ўқувчини ҳам асраш лозим. Лекин бу сўзларни эштаркансан, ҳайратга тушасан. Бу бозордаги даҳанаки жанг ё чойхонадаги олифта жанжал эмас, ахир. Бу бир улкан вилоят ҳокимининг соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, зиёли шифокорга айтиётган гапларидир.

Бу қадар кучли бақириққа сабаб бўлган ходиса нима эди? Ҳоким соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига нисбатан айтган ҳақоратли гапларини бошқарма Андижонда ишлаб чиқарилган шприц ва тиббиёт қўлқопларини сифатсиз деб, Тошкентдаги фирмалардан сотиб олаётгани билан изоҳлайди: “Тошкентдаги битта ифлос, бир ердан импорт қилиб олиб келяпти, шприцни. Уни тепасида 15-20 фоиздан ҳаммаси ўтирибди. Энди, уларнинг ризки кирқилди-да! Мен у ёқка пул ўтказмаяпман, ўзимникини оламан, деяпман...”

Аён бўладики, ҳоким билан бошқарма бошлиғи ўртасидаги жанжал аслида манфаатлар тўқнашувининг оқибатидир.

Вилоят ҳокими барча туманлардаги тиббиёт бирлашмаларига ажратилган бюджет пуллариға фақат у таклиф қилган Андижондаги заводдан шприц ва перчатка сотиб олиш талабини қўйган. Врачлар эса, бу маҳсулотларнинг сифатли эмаслигидан, дорига ўтказилган пуллар ҳам заводга ўтиб кетаётганидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилишган. У ердан ишчи гурух келиб, вазиятни ўрганган ва ҳоким нотўри ишқилаётганини унга айтишган. Ана шундан, ҳокимнинг жаҳли чиқиб кетган ва бошқарма бошлиғини ҳақорат қилиб, мажлисдан ҳайдаб юборган. Бу ерда манфаатлар тўқнашган.

«Қайси юртни бойлигини билмоқчи бўлсанг, бозорига, аждодларга бўлган эҳтиромини билмоқчи бўлсанг мозорига бор» дейишади. Ҳақиқатан ҳам бозор — турмуш, мозор — маънавият белгисидир. Мен бозор ҳақида ҳам эмас, мозор ҳақида ҳам эмас, балки бошқа бир маскан — дийдангиз қотиб кетса, одамгарчиликдан чиқиб кетаётган бўлсангиз бир марта бўлса-да бориши шарт бўлган «Саховат» ва «Муруват» уйлари ҳақида сўз юритмоқчиман.

## МЕХР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

Тўғри, ҳукуматимиз томонидан ахолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламига ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиб беришга катта ётибор қаратилмоқда. Бу масалада Давлат дастурлари доирасида қатор лойихалар амалга оширилмоқда.

Аммо ахолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами вакилларини «Саховат» ва «Муруват» уйларига топшириб, уларни давлат бўксин, дейиш билан иш битмас экан.

Куни кеча Ўзбекистон Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан бир гурӯҳ журналистлар учун Самарқанд вилоятiga Пресстур уюштирилди. Тан оламан, бу каби Пресстурларда хорижий давлатларга ҳам, мамлакатимизнинг турли вилоят ва туманларига ҳам борганман. Ўша тадбирларда дунё гўзаликлиаридан баҳра олган бўлсан, Самарқандда гўёки уйқудан (гафлат уйқусидан десак тўғрироқ бўлар) уйғонландек бўлдим. Достоевскийнинг «Телба»сими ярмисигача ўқиганман, у ёғига ўқишига юрагим дов бермаган эди. Ургут «Муруват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида ўша ҳолга тушдим. Бурнимиз кўтарилиб, таралло-бедод килиб юраверимиз-у, атро-

фга бироз назар солмабмиз. Теварагимизда меҳрга зор қанчадан қанча одамлар борлигини унтибилиз.

Аввалдан айтиб қўймоқчиманки, Ургут туманида жойлашган аёллар «Муруват» интернат-уйида яшовчilar учун 300 ўринга мўлжалланган янги бинони қуриб фойдаланишга топширилган. Ҳамма шароитлар мавжуд. Биз аёллар «Муруват» интернат-уйида яратилган шарт-шароитлар билан ўзимиз ҳоҳлаганча танишдик. Интернат-уйи учун 32 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари сарфланган. Қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида барча шароитларга эга 300 ўринли ётоқхона биноси, маъмурият биноси, ошхона, даволаш хоналари, меҳнат устахоналари, сартарошхона, тикув хоналари, спорт майдончалари ва ювиши хоналари барпо этилган.

Биз имкон қадар муруват уйи раҳбарияти ва у ерда истиқомат қилувчilar билан сұхbatлашдик. Афсуски, ҳаммаси ҳақида батағсил ёзишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Тўғрироғи, «кўрганларимни қоғозга тушириш учун ўзимда истеъод йўқ» деган фикрға борганимни тан оламан. Интернат-уйида яшовчilar эътибор ва фамхўрлик ҳамда яратиб берилиган шарт-шароитлар учун миннатдорчиликларини билдиришди. Бу табиий ҳол. Бу ерда ҳақиқатан ҳам уларга меҳр кўрсатилмоқда.

Спорт залларида бўлдик, аёллар им-



кон қадар спорт билан шуғулланишмоқда. Турли тўгаракларда иштирок этишмоқда. Кутубхонада уч-тўртта аёл китоб ўқиб, газета ва рақлаб ўтиришибди. Бираёл эрта вафот этган акаси хотираси учун шеър ёзибди. Ўзи меҳрга зор буаёлнинг жиянлари — яъни, акасининг етим қолган фарзандлари ҳақида қайгураётгани ҳар қандай бағри тош инсоннинг кўнглини бўшатиши аниқ. Афсуски, ахлоқий нуқтаи назардан бу аёлнинг шеър ўқишини видеога ҳам, суратга ҳам олмадим. (Умуман, Муруват уйида истиқомат қилувчилардан ҳеч кимни суратга олмадим — кўлим бормади).

Ўн ёшлар чамаси бир қизнинг она меҳри ҳақида ўқиган шеъри бир умр ёдимда қолса керак.

Интернат-уйида яшовчilar истиқомат қиладиган хоналарни кўздан кечирдик. Шароитлар жуда яхши.

Ургут «Муруват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи директори Алишер Саидовдан ўзимизни қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб олдик.

Бир нарса аниқ, бу ерда ўз ишига фидойи инсонлар меҳнат қилмоқда. Уларга ўз миннатдорчиликимни билдириб ўтмоқчиман. Катта раҳмат. Хизматингизга рози бўлинг. Ҳамма ҳам кўнгли нозик беморларга карай олмайди. Сизларга бўлган хурматим янада ошиб кетди.

Ҳа, айтганча, бизларни «енгил беморлар» истиқомат қиладиган бўлимга олиб

боришиди. Агар «оғир» беморлар холидан хабар олганимизда борми, анча вакт ўзимга кела олмасам керак. «Муруват» уйида бўлар эканман елкамни оғир юк босаётгандек бўлди. Бу ерда ҳар ким ҳам ишлай олмас экан.

Ургут «Муруват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйидан олган таассуротим: Биз нима бўлганда ҳам инсон бўлишимиз керак, инсофни ўқотмаслигимиз керак, атрофимизда меҳр, муруватта зор инсонлар борлигини ҳар сонияда эслаб туришимиз керак экан. Биз тўлаётган ва келажакда тўлайдиган соликлар кимнингдир кўнглини кўтаришга сарфланаётганини ҳам унумаслигимиз керак.

Фарзанд уйлантирасиз — юртга ош берамиз. Яқин қариндошимиз вафот этади — унинг хотираси учун юртга ош берамиз. Гўёки, шу билан зиммамиздаги вазифани адо этгандекмиз. Аслида, манманлик килаётганимизни билмаймиз, тўғрироғи, тан олмаймиз.

Инсонларварлик қилмоқчимиз? У ҳолда «Саховат» уйига, «Муруват уйи» га боринг. Меҳрга зор инсонларнинг кўнглини олинг. Эркин Воҳидов ёзганидек:

Бўлмасин субҳинг қаро,  
Бор бўл мудом борлиқ аро,  
Ўзни этгил доимо

Инсон ўзинг, инсон ўзинг.  
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

## “УЙГОНМАСАК, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗНИ КЕЧИРМАЙДИ!..”

### (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Элнинг оғзини ланг очдирган жанжалнинг асл сабаби аён бўлди: гап соғлиқни сақлашга ажратилган пулларнинг тасарруф қилинишида экан. Ўзининг талабини икки томон ҳам бир қарашда ҳақли кўринган даъволар билан далиллайди ва қарма-қарши томонни тамагирликда айблайди.

Ҳоким худудида фаолият юритаётган фирманинг тиббий ашёларини сотиб олиш лозимигини, бу фирмада шу ерлик халқ ишлайтганини ва у маҳаллий бюджетга сезиларли солик тўлашини айтади ва қарши томондаги соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг юқоридаги вазирлигини ўзларига таниш фирма орқали давлат бюджети пулини сарфлаётганини, шундан манфаатдорлигини даъво қиласди.

### Бу чорасизликнинг чораси борми?

Ечим бор ва у шундоқ юзада турибди. Юзага келган вазият давлат бюджети маблағларининг тасарруф этилиши жараёни ҳали ҳам тор хоналарда ҳал этилаётганини кўрсатади. Соҳа томонида буни вазир ёки бошқарма бошлиғи ҳал қиласди. Ҳокимликда ҳокимнинг айтгани-айтгандир. Аслида ҳар икки томонни шубҳадан холи қилиш учун давлат харидлари соҳасини шаффофлаштириш, харидларни ошкона ва ҳалол тендерлар орқали амалга ошириш зарур.

Бу Коррупцияга қарши курашга оид Давлат дастурда ҳам, ҳукумат қарорларида ҳам бевосита кўрсатилган. Ўша ҳокимият хайриҳо бўлган фирмалар ҳам ошкора тендерда қатнашса, жамоатчилик соҳага қанча пул ажратилганини, қаёқка сарфланганлигини билса, матбуотда ошкоралик қарор топса, шу таҳлит жанжаллар ва ўзаро айбловларга ҳожат қолмасди.

### Ва, ниҳоят...

Улкан коррупция бюджетни тасарруф этадиган, моддий-молиявий оқимларни назорат қиладиган вазирликлар ва идоралар, жараённинг қонунийлигини назорат қиладиган идоралар, пул-маҳсулот оқимларини ўналтирадиган ва тўлов балансини шакллантирадиганлар томонидан амалга оширилади.

Албатта, улар ўз манфаатлари учун қонунчилик ва ижро ҳокимиятини ҳам ўз томонларига оғдирадилар ва бу ҳам “текин”га эмас. Керакли қонунлар ва қарорлар монопол соҳалар томонидан “сотиб олинади”. Коррупционерлар ҳокук-тартибот идораларидан, судлов маҳкамаларидан кўркмайди, чунки уларнинг ҳам “нафси, бола-чақаси” борлигини билади.

Коррупция ошкораликдан кўркади, холос. Шунинг учун журналистлар, блогерлар таъкиб ва танқид нишонига айланган. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев аниқ ва тиник даъват

этдилар: “Жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги масаласида орқага қайтиши бўлмайди!”

Ҳуқук-тартибот идораларини хўжалик ишларига жалб этиш коррупцияни кучайтиради. Пахта ва галлага давлат буюртмасини бекор қилиш — шу йўналишдаги инқилобий қадамdir.

Куни кеча эса Президент Фаргона вилоят фаоллар йиғилишида коррупция муаммосига тўхталиб ўтди. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, ҳатто жазо чоралари кучли бўлса ҳам ер сотиш каби жинотлар учраб турибди.

— Бу давлатнинг ҳар бир амалдори — мен ҳам, вазирлар ҳам, бошқа амалдорлар ҳам халқ хизматкори. Мен бу гапни кўп тақрорлайман. Аммо мансабдорлар орасида ҳали ҳам халқ орасига кирмаганлар бор.

Ер сотишлар ҳали ҳам учрайти. Ўша жиноти учун йигирма йилга қамалишини билса ҳам барибир киляпти. Ўзи кичкина бюрократ амалдор, аммо керак бўлса ҳокимнинг имзосини соҳталашириб, ер сотяпти.

Биз уйғонишмиз керак. Уйғонмасак, ишламасак фарзандларимиз бизни кечирмайди. Нима учун таълим ҳақида ҳар сафар гапираман. Чунки нажот шу, бундан бошқа нажот йўқ биз учун, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу сўзларга ортиқча изоҳ шарт бўлмаса керак, деб ўйлайман.

**Карим БАХРИЕВ,**  
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий  
уюшмаси Жамоатчилик Кенгаши аъзоси**

Юртимизда кейинги йилларда бунёдкорлик ишлари кўлами ниҳоятда кенгайган. Бундай ишларни, аниқроғи қурилиш обьектларини кузатганимисиз? Чанг-тўзон кўтарилиб ётган худуд. Кўллари лой ёки қоришмага ботган ишчилар. Ортилган юкнинг меъёридан ортиқлигидан базур ҳаракатланаётган машиналар...

Аксарият ҳолларда шундай бўлади. Ҳа, яна қурилиш майдонининг атрофи ўралмайди. Бу ерда нима барпо этилаётгани, унинг қачон битиши ҳақида ҳеч қаерда, ҳеч қандай маълумот кўйилмайди.

Яқинда Самарқанд вилоятидаги қурилиш ишлари билан танишиб, бунга



яна бир бор гувоҳ бўлдик. Кимда қандай таассурот билмадиму, менда қурувчининг қурилиш материаличалик қадри йўқ экан, деган тасаввур пайдо бўлди.

Кўпчилик билса керак, айни шу масала йил аввалида ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши эътиборига тушди. Депутатлар бир-иккита обьектда ишчиларга яратилган шароитларни ўрганди. Аммо нима учундир масала сувга чўккан тошдек изсиз кетди.

Дастлаб кўхна кентнинг ҳаво дарвозаси - аэропортда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишгандик. Ишонасизми, катта (балки вилоятдаги энг каттадир) обьектда заррача чанг-тўз. Ажабланарлиси, чет эллик қурувчи-муҳандислар бош бўлган обьект ҳудудида қўли лой ёки қоришмадан кир бўлган ишчини учратмагандик. Бу ерда юрган ҳар бир одам озодалиги жиҳатидан камидаофис хизматчисини эслатарди.



## ҚУРУВЧИНИНГ ҚАДРИ

- Қурилишда ҳам шунака озода юриш мумкин эканда, - деган эди ҳамкасларимиздан бири. - Нега булар оёқ остига блок териб, бошга рўймол ўраб ишламайди? - Аччиқ кесатиқ билан давом этди бояги ҳамкасбим.

Яна бир ҳайратланарли жиҳати шундаки, ҳар бир ишчи учун барча қулийлар яратилган.

- Ахир қурилиш дегани оғир иш, ҳамма нарсани техникага юклаб кўйиш, соҳанинг «обрў»сини тушириб юборадику! - «Саёҳат» сўнггида ҳамкасбим шу тахлит фикр билдири.

Менимча, биздаги аксарият қурилиш корхоналари раҳбарлари ҳам шундай фикрлашади. Агар аксингча бўлганди, қурилишларимизда тартиб ўрнатилган, қурувчилар ҳам бунёдкорлик ишларидан роҳатланиб, меҳнат қилган бўлмасмиди?!

- Аэропорт қурилишида олти ойдан бери ишладим, - дейди ўзини таништиришни истамаган ўзбекистон-

лик қурувчичи. - Тўғри, бу ерда асосан бўёқ, сувок каби «қора» ишларни қиласиз. Лекин кийим-бошдан тортиб, бепул тушлик ва бошқа қулийлар яратилган. Хафсизлик талабла-

- Ўзи қаерда яшайсизлар?

- Шароити бори ўз уйига, квартирасига кетади. Менга ўхшагани эса кўрпа-ёстигини олиб, обьектнинг қурилиши тугаган қисмида ёки ергуласида қолади.

- Нега сенам квартирада турмайсан?

- Ўзи топганим оиласида зўрга етади. Ҳозир энг арzon квартира ҳам 200 минг сўм, яна шароити яхши эмас...

Ўйаниб қолдим. Ҳозир Сармарқандда нима кўп – қурилиш кўп. Ўртогим сингари тумандан қатнаб ишлаб ётганлар қанча? Топганини иктисад килиб, уйимга олиб борай, деб ҳали битмаган уйда, не бир шароитларда ётиб юрганлари-чи?

Шу гап сабаб бўлиб қурилишларда бунёдкорлар учун яратилган шароитларни кузата бошладим.

Зарур кийим-бош, ҳавфсизлик талаблари таъминланмагани ўз йўлига. Аммо аксарият қурилиш обьектида усталар бетон устига кўрпача тўшаб олган. Уларнинг ошонасиям, еб-и-чиб бўлгач, ётоғиям шу ер.

Энди савол туғилади, оддий ётоқ масаласини ўйлаб кўрмаган масъуллар қурувчиларга санитар шароит қилиб берадими?

Бу савонни Россияда ишлаб, йилда 10-15 кунга келиб кетадиган ҳамкишлопимга бердим.

- Устага шароит яратиш учун кимдир тергашини кутиш, талаб қилмаса шарт эмас, деган гаплар улар учун бегона, - дейди у. - Мана масалан, биз ишлайдиган қурилиш фирмасида қишида иссик, ёзда салқин бўладиган кўчма контейнеримиз бор. Ишчилар қанча кўп бўлса, шунга яраша контейнер келтиришиади. Ошхона бошқа контейнерда, юваниш учун алоҳида йигиб-териладиган душ. Қишининг чилласида ҳам шундай шароит бўлади.

Хўш, кимдир айтадими, ўзимизнинг «қорақўзлар» учун бундай шароит қачон яратилади?

## ТИЛИМIZГА КЎЗ ТЕГДИМИ?

Абдулла Қодирий: «Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар», деганида ҳақ эди. Бироқ бугун тилимиз бойлигига кўз теккандай назаримда.

Ўзбек тилига чет сўзларнинг кириб келиши, янги терминларнинг ўзбекча сўзлар ўрнида истеъмолда бўлиши кузатиляпти. Тил ўз қатлами ва ўзлашма қатлам ҳисобига бойииди. Бугунги кунда тилимиз кўпроқ ўзлашма қатлам ҳисобига, яъни четдан кириб келган сўзлар билан бойиляпти. Аммо чет сўзларнинг ўз қатламдаги сўзлар ўрнида кўлланилиши натижасида айримлари эскириб, талаффузи ўзгаришти ёки истеъмолдан чикиб кетмоқда. Янги сўз кириб келиши билан тилимиздаги сўзни унутяпмиз.

Жумладан, «личка», «сэлфи», «дебат» сўзлари тилимизда кўп ишлатиляпти. Лекин бу сўзларнинг ҳеч бири ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилмаган. Энг катта камчилигимиз ҳам шунда. Четдан кириб келган сўзларнинг кўлланилиши билан унинг ўзбек тилидаги маъноси ва синонимлари биргаликда истеъмолда бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, «личка» - шахсий, янги хабар, яъни ижтимоий тармоқдаги хабарни икки киши кўради – сиз ва ёзиштаганингиз; «сэлфи» - тегишли, ўзи, ўзи бирор нарса қилиш; ўзини суратга олиш усули; «дебат» - тортишув, баҳс-мунозара, қарама-қаршилик...

Тилимиздаги асосий муаммолардан бири ёзув масаласи. Мана ўзбек тилига давлат тили мақо-

ми берилганига 31 йил бўлибди, бу масалада ҳалигача бир тўхтамга келинмаган. Лотин ёзувидан ҳам, кирилл ёзувидан ҳам фойдаланмоқдамиз. Бу икки ёзув қоидалари бир-биридан фарқ қиласиз. Мисол учун, лотин ёзувида «уї» билан тугайдиган «таваққеи», «пнҶтави назар», «тажимайи hol» сўзлари кирилл ёзувида «мавқеи», «нуктаи назар», «таржимаи ҳол» шаклида ёзилади. Хўш, бу ёзув меъёрларини билмаганлар шу ва шунга ўхшаган сўзларни билганича ёзаверадими? Ушбу ёзувлардан биргаликда фойдаланар эканмиз, мактабда лотин ва кирилл ёзуви қоидаларини биргаликда ўрганишимиз ёки маъқул битта ёзувдан фойдаланишга келишиб олишимиз керак.

Пешлавҳалардаги ёзувлар, реклама воситалари ва эълонлар ҳам дард устига чипкон. Бу жараёнда чет сўзлар ҳам кўп кўлланилиб, имловий хатоликларга йўл қўйиляпти. Масалан, «аптека», «доставка», «оптика», «ателье», «орен», «wellcome» ва шунга ўхшаган бир қанча сўзлар ўзбек адабий тили меъёrlарига зид равишида ёзилган. Ахир шу сўзларнинг ўзбек тилидаги маъносини ҳам кўрсатиш мумкин-ку.

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 20-модда-

сида: «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон килинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин» дейилган. Лекин қонунга нега амал қилинадими? Бу қонунбузилиш холатларига қачон барҳам берилади? Тўғри, кейинги пайтда ўзбек тилини ривожлантириш ва нуфузини ошириш борасида амалий ишлар бошланди, лекин ҳали кутилган натижага эришганимиз йўқ.

Бу каби муаммолар амалда бартараф қилинмаса, муаммолигича қолаверади. Ўзбек тилини ривожлантириш, мавқеини ошириш учун аввало, мактабгача таълим муассасаларида ва мактабларда ўзбек тилини чуқурлаштириб ўқитиш ва албатта шу ёшдаги болаларга мўлжалланган дарслклар, электрон кўлланмалар ҳамда луғатлар яратиш керак. Бундан ташқари, ўзбек тилини ўқитиш марказлари, ўзбекча таржима дастурлар жорий қилиш ва барча соҳаларга оид луғатлар чоп этиш ҳамда терминология соҳасини ривожлантириш лозим.

**Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.**

Оила мустаҳкамлиги — жамият ривожи, омонатлиги таназзул белгиси. Бугун ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари боласини туғруқхонада қолдириб кетаётган, дунёга эндиғина күз очган чақалоқни күч-күйларга, ахлатхонага ташлаб гойиб бўлаётган бешафқат ва алданган оналар ҳақида бонг урмоқда.

Бўй етган қиз оиласа кўмак бўлсин деб, қишлоқдан шаҳарга келди, қаергадир ишга кирди. Ўз хирсининг қурбони бўлган номард валад қизгинани авради, жавради, уйланаман, деб алдади. Ниятига етгач, бадар кетди. Қиз эса...

— Тўй қачон, ошна?

— Аввал уй-жойни тўғрилай, битта машина олай, тўйга пул йифай. Кейин ҳаракат қиламиз.

Тўқсон беш фоиз тенгдошимдан шу жавобни эшитаман, бу аниқ. Ишонмасангиз, ҳеч иккиланмай сиз ҳам ёшларда синаб кўришингиз мумкин. Ҳаммасининг орзуси шу. Ахир ёшлиқ, умр кутиб турмаслигини, бу онлар фанимат эканлигини тушунтириб бўлмайди-да, данғиллама тўй орзузида юрган ошнамизниң қулогига бизнинг алмойи-жал-

## ЯШАШДАН

## МАҚСАДИМИЗ

## ФАҚАТ ТЎЙ

мойи гапларимиз киравмиди. Ахир у данғиллама тўй қилиши, элнинг оғзига тушиши, ўзи қийналиб топган пулинин машҳур отарчига беринши керак-ку. Бир неча йил топганини бир кунлик тўйга сарфлаши керак-ку!


Яна ҳар хил фитна-фасод, бузукчилик, зино, қон ва насл бузилиши, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турли юқумли касалликлар ва шу каби иллатлар кўпайиб кетяпти, дея нолиймиз. Хўш, бунга ким сабабчи? Бизнинг орзу-ҳавасларимиз эмасмикан?

Кизик, негадир биз орзу-ҳавасларга берилиб колганмиз. Катта тўй қилишимиз керак. Ажаб, бошқа нимадир килиб оғизга тушсак бўлмасмикан? Масалан, олим, чемпион, хунарманд, ихтирочи, тадбиркор, элу юртга нафи тегадиган фарзандларни тарбиялаб ибрат бўлсан-чи?

Ўйлаб қоламан: наҳотки бир кунлик тўйга йикқан-терган барча бор-шудимизни сарфлаб юборсак. Қизифи, бундан юз йил олдин Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомиз шундай ёзган эканлар: “Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон очаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тарақкий этармиз ва

деб тўғри айтапсиз. Ахир биз ажойибмиз-ку! Данғиллатиб тўй қилишимиз керак-ку!

Тўйчилик қон-қонимизга сингиб кетган. Ҳафа бўлмайлик, вақтивақти билан ойнага қараб туриш, аччик шўрва ичиш зарар қилмайди-ку.



ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёға зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур”. Маҳмудхўжа Беҳбудий “Ойина” журнали, 1915 йил.

Қаранг, гапнинг маъноси, долзарблиги, аҳамиятини. Бобомиз куюниб ёзганларига қарийб 107 йил бўлиди. Орадан шунча вакт ўтиб кетиби-я! Бир аср олдин ҳам аҳволимиз шу экан. Асрдан кўп вакт ўтиби-ю, аҳволимиз ўзгармадими. Асло, бу борада баттар бўлдик. Шу кетишда кетсак, яна бир асрдан кейин: Европа-ю Фарбинг тараққиётини кўрган набираларимиз, биз ҳақимизда нима деб эслашаркин. Тўйдан ортиб, эсланадиган иш қилишга улгуармиканмиз. Ким билади дейсиз.

Тўй албатта яхши нарса, ажойиб, баҳтли кун. Ҳаммани илоҳим шу кунларга тўйларга етказсин. Ўғилларимиз куёв, қизларимиз келин бўлишин. Аммо исрофгарчиликдан холи бўлса, бошланаётган никоҳ қандай гўзал бўлади-я!

Нима десак дейлиг-у, энг гўзал тўйлар карантин пайтида бўлди. Ихчам, ортиқча сарф-харажатдан холи. Ҳеч ким тўйга айтилмаганига хафа эмас. Қани эди яна давом эттирасак... Тушингни сувга айт бола,

Келинг ўртacha тўйни ҳисоблайлик. Сарпо, тўйхона, озиқ-овқат, санъаткор, видеочи, ошпаз, янги либос, машина, карнай-сурнай, камид 300-400 та меҳмон (қишлоқларда 1000 ва ундан зиёдрок) ва ҳоказолар. Еган оғиз уялади-да, еганни қайтармоқ ҳам лозим-ку! Сарпо-суруқдан ташқари кечки базмнинг ўзида камид 40-50 миллион сўм пул. Емай-ичмай, қарз-ҳавола қилиб, бир кунда сарфланган пул. Кўп ёшларимизни эшитаман, 27-28 ёшида имкониятидан зиёда, яъни қарз-ҳавола қилиб уйланиб, 2-3 ойдан кейин ўш келинни ёлғиз қолдириб, қарзларни узиш учун йиллаб чет элга кетишганини. Умрнинг энг гўзал онлари қарз узиш билан ўтиб кетади... Никоҳдан мақсад факатгина тўй эмасди-ку... Эҳ...

Ўзимиз ҳам қизиқмиз-да, санаторий, дам олиш, саёҳатларга бормаймиз, ўзимизга кўзимиз қиймайди-ю, тўй қиласиз. Ишини, даромадини тайини йўқ. Ғиштматжонни хунар, касб ўрганишига харажат қилмаймиз-у, данғиллатиб тўй қиласиз. Бечора Ғиштмат нима қиласин. Ҳаёт шу экан, деб ҳозиргача ота-онага бир ўзи юк бўлган бўлса, тўйдан кейин хотини, кейинроқ фарзандлари билан бирга беш-олти киши бўлиб юк бўлишади. Ҳаёт шу... Ғиштматбой катта ҳаёт нималигини англамай ўттиз-қирқقا ки-

риб ҳам ота-онадан умидвор бўлиб юраверади. Ҳалим давлатимиз барака топсин, кексаларимизга нафака беради....

Кўп эшитганман “Университетга кирай, менам ўқий”, деганда “Контрактингни ким тўлайди, ўқиб шаҳар оберармидинг” деб отасидан дакки эшитиб, лекин тўйида машҳур хонандани чакириб, 3-4 та талабанинг йиллик контракт тўлови миқдорича суммани берганларни. Яна бой танишига тақлид қилиб, ўзи яшаб турган ҳовлининг маълум миқдоридан ер сотиб, ўша пулга санъаткор чакирганларни ҳам... Афсус... Кўрпамизга қараб оёқ узатмоқни унубиб кўйганмиз. Ўзимиз ойликка яшасак-да, ёки доимий даромадимиз бўлмаса-да бой кўшнимизга тақлид қилиб чиранишимиз керак. Тўғрида у қилганини биз қилолмаймизми? Бизнинг қаеримиз кам, деб ўйловчилар қаттиқ янглишганлардир...

Биз ёшига етган йигит-қизни уйлантириб кўйишини тезроқ ўйлашибимиз керак. Ва оила қурадиган ёшларни ҳам шунга тайёрлашибимиз керак. Ҳозир 20-23, ҳаттоқи 24-25 яшар ёшларни ҳам уйлашга шошишмаяпти. Гўёки улар ўш бола. Қачонгача ўш бўлади, қачон катта бўлади 35 га киргандами? Ишонинг, биз уларга шундай муносабатда бўлсақ, улар ҳечам катта бўлишмайди. Масъулиятсиз бўлиб, лайлак ҳайдаб юраверади. 27-28 ёшга кириб ҳам бўйдок юрганларни кўриб, бир нима дейишга тил айланмайди. Ачинарли ҳолат эмасми? Улар бўйдоқлик гаштини суриб юрибдими? Мен жавоб бера қолай: Асло йўқ. Ҳаммаси қийналиб, базур юрибди. Барининг дарди ичиди. Ахир, уларнинг ота-онасининг орзу-ҳаваси бор-ку.

Азиз ватандош, тенгдошларим, биродарларим, ота-оналар келинг ўзимизни ислоҳ қилайлик. Фикрларни ўзгартирайлик. Орзуларни ўзгартирайлик. Ўзгариши ўзимиздан бошлайлик. Ўша орзу-ҳавасли тўйларга кетадиган миллионларни фарзандимиз келажагига сарфлайлик. Уларга касб-хунар ўргатайлик. Гўзал яшайлик. Аслида ўзимизни ўзимиз ўзимизни тушунайлик. Фарзандимизни тўй билан эмас, унинг оламшумул ғалабалари, ихтиrolари билан мақтанайлик. Ҳамманинг фарзанди катта ишлар қилишга кодир. Фақат биз ўзимизнина орзу-ҳавас деб, уларнинг орзуларини бўғиб кўйяпмиз. Ҳаммасига ўзимиз, кибримиз айборд. Бас, бугундан бошладик: ихчам тўй ва фаровон, буюк келажак сари...

Зикрилла МАМАТОВ

**Қадриятлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган халқимиз барча даврларда оилада фарзанд тарбиясини асосий ўринга кўйган ва ақлли, эсли-хушли ўғил-қизларни вояга етказган. Оғир дамларда ҳам фарзандини кўчага ташламаган, бир бурда бўлса ҳам нон топиб, болаларини боқишининг иложини килган.**

**Хозир, Аллоҳга шукр, қаҳатчилик, қимматчилик замонлари ортда қолганига анча бўлди. Тириклиги бундайроқ оиланинг ҳам қора қозони қайнайти. Лекин майда-чуйда майший орзу ҳаваслар боис янги турмуш қурган оиласалар ўртасида ҳаётга енгил-елпи қараш, арзимаган келишмовчиликлар афуски, кўпайиб бормоқда.**

Савол туғилади: биз, катталар қаерда хато қилдик? Қаерда фарзанд тарбиясига безътибор бўлдик? Тан олиш керак, ҳамма айб ўзимизда. Тириклик ортидан югуриб, болаларимизнинг қорнини тўйдиришга тўйдиридигу, улар қандай муҳитда нафас олаётгани билан қизиқмадик. Дарсга бориш номига бўлди, ўзимизку қойиллатиб китоб ўқимаганимизга яраша улардан ҳам китоб мутолаасини талаб қилмадик. Кўпроқ пул топиш керак, пул топсанг, яхши яшайсан, деган ақида уларнинг онгига сингиб колди. Фарзандим баҳти бўлсин, деган ниятда киз чикардик, ўғил уйлантиридик, лекин келин томоннинг, кўёв томоннинг дунёкараши билан қизиқмадик. Қаерда хато қилдик? Нега қизинг оиласидан ажралиб уйинга қайтиб келди, нега ўғлинг келинни ташлаб кетди?

Матбуот ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилган ҳайвонот боғидаги аёл, қизча ва айик билан боғлик фавқулодда ходиса ҳам ана шу омилларга ургу беради.

**Нодира Йўлдошева, Сергели туманидаги “Янги Бунёдбод” маҳалла фуқаролар йигини раиси в.б:**

— Бу аёлнинг исми-шарифи Зилола Тўлаганова, унинг қайнонаси ўтган или “Янги Бунёдбод” маҳалласи худудидаги кўп қаватли уйлардан биридан хонадон сотиб олиб, ўз номига расмийлаштирган ва келини билан ўғлини ўша жойга кўчирган.

Ўша пайтда Зилола Тўлаганова турмуш ўртоғи билан ажрашиш учун фуқаролик судига мурожаат қилган экан. Буни биз суддан Маҳалла фуқаролар йигинига уларни яратшириб кўйиш бўйича таъсир чораларини кўриш ҳақида хат келганидан кейин билдик. Биласиз, ўзбекчиликда баъзан қайнона гелин ёмон, келинга қайнона ёмон, деган тушунча бор. Лекин Зилола Тўлаганованинг қайнонаси билан сухбатлашиб кўрдик, невараларига меҳрибон, келининг ҳам ортиқча эътирози йўқ. Фақат ўшанда қайнонаси: “Келиним доим дори ичиб юради”, деганди. Кейин маълум бўлишича, Зилола Тўлаганова руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туарар экан. Лекин бу ҳақда маҳаллага ҳеч қандай маълумотнома тақдим этилмаган.

Бу оиласада анча-мунча келишмовчиликлар, мажаролар бўлиб тургани сабабли уларни яратшириб кўйиш учун маҳалла фуқаролар йигинига таклиф қилдик. Зилола Тўлаганова билан сухбатлашганимда унинг оғир, босик, ҳар бир саволга ўйлаб, мулоҳаза билан жавоб бергани эсимда қолган. Аёлнинг турмуш ўртоғи муҳокамага келмади, чунки у ишлаш учун хорижга кетган экан.

Болалари билан ёлғизланиб қолган Зилола Тўлаганова МФЙ томонидан

лиш учун шиддат билан ташланганида, товуқ уларни оналиқ инстинкти билан қаноти остига олиб, ёвуз қушга қарши ҳаёт-мамот курашига кирганига гувоҳ бўлмаганимизми?

Ҳақсизлик бор жойда одамнинг ич-ичидан етилиб келадиган исён ҳолати бўлади. Лекин аёл қийин, иложисиз ахволда қолганида, ўзи суюниб юрган энг яқин кишиси – эри томонидан қаттиқ таҳқирланиши оқибатида ана шундай ўта шафқатсиз жиноятга қўл уриши мумкин. Унинг бу таҳқирни кўтаришга, енгишга, интилишга кучи қолмаган. Мен буни таслим бўлиш деб ўйлайман, яни, бу – ўта босим остида аёлнинг таслим бўлиши. Демак, бу ҳолат жуда катта ноҳақликка қаратилган исёндай, жамиятни ташвишга соладиган таҳликали фожиа менинг назаримда.

Боланинг йўқ бўлиши, даҳшатли ўлим топиши аёлни ўйлантирган ўша пайтда. У ана шундай шафқатсиз исён билан эридан ўч олишни, унинг

кўп. Дағиллама уйга эга бўлиш, автомобиль ҳайдаш, киммат нарсаларни йиғиш каби чексиз эҳтиёжлар пайдо бўлмоқда. Бундай шароитда эркакда бу талабларни бажаришга имкон йўқ.

Эркак томонидан ишламайсан, уйдан чиқмайсан, болаларга қарайсан, деган тазийк бўлиши мумкин. Аёлда эса бошқа юрган кетган бўлсанг, менга, болаларингга меҳр бермасант, моддий таъминлаб қўймаган бўлсанг, сенинг нима керагинг бор, деган исён бўлади. Бу ўз навбатида кучайиб, охири фожиага олиб келади.

Майли, ўтган замон эркагининг вазифасини талаб қилаётган аёл ўзининг турмуш тарзини бошқалар билан таққосламасдан, борига қаноат қилсин, эри топиб келса еб, топиб келмаса, сабр қилиб ўтирасин. Биз бунга розимиз. Ёки бўлмаса, яшаш учун кураш ҳолатига мослашсан. Мен бу борада кўпинча шундай мисол келтираман. Эр-хотин қайиқда кетаяпти, эркак битта эшқакни эшяяпти, иккинчиси бўш турибди. Ана шундай шароитда хотин боласи билан ўтирасдан, иккинчи эшқакни эшишга ўтираса, кўзланган мақсадга тезроқ етиб борилади.

**Мукаррам Нурматова, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бошқармаси бошлиғи:**

— Шундай шафқатсизликка қўл уриб, ўз фарзандини йирткич қафасига ташлаган аёлни мен ҳар қандай ҳолатда ҳам оклолмайман. Тўғри, уни руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туради, дейишиди. Ҳатто руҳий мувозанати бузилган тақдирда аёл фарзандига нисбатан бундай шафқатсизликни рано кўрмайди, деб ўйлайман. Чунки аёл ҳар қандай ҳолатда ҳам тўққиз ой ўз бағрида асраб-авайлаган жигаргўшасининг ҳимояси учун керак бўлса ўзини курбон қиласи.

Тўғри, оиласада етишмовчиликлар, камчиликлар бўлгандир, лекин ҳеч ким оч қолаётгани йўқку! Боболаримиз, момоларимиз очарчилик йилларида ҳам болаларини сабр-тоқатга ўргатган, бир бурда нонга қаноат қилган. Уруш йилларида етим болаларни асраб олган оиласада уларга уйининг тўрини берган, бошини силаган. Ҳар хил арзимаган нарсаларни баҳона қилиб ажрашаётган оиласада фожиаси – кийинчилик кўрмаганидан, дунёкараши торлигидан далолат. Охир-оқибат, аёл турмуш ўртоғи билан ажрашидиган бўлса, ўзи фарзанд тарбиясига масъул бўлади, эртага уонасига кўмакчи, суюнчик бўлади.

Ижтимоий тармоқларда тарқалағидиган ҳар хил шов-шувларга ишониб кетавериш керак эмас. Чунки баъзан пашшадан фил ясад кўрсатилса, ҳа, шу экан-да, деб кетаверадиганлар ҳам бор. Ҳолбуки, маънавиятли инсоннинг ҳар бир воқеа-ҳодисага муносабати, керак бўлса, ўз баҳоси бўлиши лозим. Ҳайвонот боғида юз берган ҳодисага ана шу нуктаи-назардан чукурорқ қараладиган бўлса, бола тарбиясида ҳандай ҳатолар қилганимиз, ҳандай камчиликларга йўл кўйганимиз ўз-ўзидан аён бўлади.

Дарвоқе, Зилола Тўлаганованинг қизи Зарина ҳозир шифохонада даволаниб чиқсан ва унга васийлик тайинланган.

**Нуруллоҳ ОСТОН**



## ОМОН КОЛГАН ҚИЗЧА

### ЁКИ БИТТА ЎЗИ ЭШКАК ЭШАЁТГАН АЁЛ

миздан кўчиб кетган, эштишимизча, отасининг уйида яшайди. Шунинг учун ҳайвонот боғи билан боғлик воқеа соидир бўлмагунча унинг оиласавий шароитидан хабаримиз бўлмаган. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам аёл киши бу ишни килмаслиги керак, деб ўйлайман. Ахир уонаку!

**Шоира Умарова, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигининг юридик бўлим бошлиғи, жамоатчилик кенгаши аъзоси:**

— Баҳсли масалалар кўп. Инсон бор экан, эр-хотин ўртасида низо бўлади. Эсингизда бўлса, бундан бир ярим йил олдин Сирдарё вилоятининг Ширин шахарчасида бир аёл иккита боласи билан ўзини каналга ташламоқчи бўлганида, бу ҳолатни тасодифан кўриб қолган одамлар уларни кутқариб қолган. Бу воқеа кўп шов-шувларга сабаб бўлган эди. Ўшанда аёлдан “Нима учун фарзандларингиз жонига, ўз жонингизга касд қилмокчи бўлдингиз?” деб сўрашганида, у эри билан уришиб қолгани учун шу ишга қўл уришдан бошқа чораси қолмаганини айтган. Энди эса боласини айикка ем қилмокчи бўлган аёл фожиаси юзага қалқиб чиқди.

Мен аёл бўлганим учун аёл табиатини яхши биламан. Замон, жамият, ахборот технологиялари тезлик билан ривожланиб бораётган интеллектуал асрда бу фожиани тор фикрлилик, онгсизлик, саводсизлик натижаси деб баҳолаб бўлмайди. Буни депрессия билан ҳам, оналиқ инстинкти билан ҳам боғлаш керак эмас. Чунки депрессия ҳолатида онанинг боласини химоя қилишга интилиши юз чандон ошади. Киноларда уруш пайтларида оналар болаларини ўқдан химоя килиш учун уларни кўкси билан тўсган ҳолатларни кўрганимиз. Нима, улар бу пайтда депрессия ҳолатида бўлмаганим? Калхат жўжаларга чангол со-

алам чекишини истаган. Чунки бундан аввалроқ аёл эри билан ажрашиш учун судга мурожаат қилган. Судда унинг турмуш ўртоғи гарчи ўша пайтда аёли билан яшамаётган бўлса ҳам, болаларини етим қилиб кўймаслигини, хотини билан ажрамаслигини иддао қилган. Суд уларнинг бирга яшамаётганини инобатга олмаган, ўйлаб кўриш, ярашиш учун маълум муддат берган. Эр эса аёлни, фарзандларини моддий таъминламагани устига, хорижга кетиб қолган. Отанинг гапига қараганда, фожиа юз беришидан бир неча кун олдин қизига турмуш ўртоғи ўнғироқ қилган, шундан кейин унинг кайфиятида ўта руҳий тушкунлик ҳолатлари сезилган. Шунинг учун бу жараёнга индивидуал ёндашиб, барча ҳолатларни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқариш керак.

Аёл кишининг гайришуурида (онгостида) доимо эркак кишига кўядиган талаблари, ҳамма ишни эркак қилиши керак, деган иддао бор. Диний қадриятларимиз ҳам буни оклади.

Лекин таёкнинг икки учи бўлади. Бизнинг замонамизга келиб эркак-аёл муносабатлари ўзгарди, уларнинг вазифалари тенглашди. Бугун аёл эркин бўлишга, тенг хукукли бўлишга интиляяпти. Давлат ишида фаолият кўрсатаяпти, тадбиркорлик қилляпти, бола бокиб, оиласада ҳам қарайапти. Бу албатта кувонарли ҳол. Тўғри, асосий юз залвори ҳалиям эркакнинг гарданида. Лекин аёл бўлсан ҳам тўғрисини айтаман, бугунги кунга мос, ҳамқадам бўлиб яшашга интилган аёлнинг эркакка кўяётган талаблари, юмшок қилиб айтганда, инсофдан эмас. Ўз навбатида, эркакнинг ҳам аёлга нисбатан ўз эътиrozлари бор, лекин бу ҳақда гапириш улар учун ор, уят хисобланади. Бугунги аёлда хоҳиш-истаклар



**Кўхна заминимида бир пайтлар гуллаб яшнаган, бугунги кунда тарих пардаси ортига чекиниб, фақат кўхна манбалару турфа афсоналар орқали номи бизгача етиб келшган яна қанчадан-қанча шаҳарлар, қадимий тамаддун ўчоқларининг излари сақланиб қолган. Улардан бири қадимий Дабусиядир.**

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳридан вилоятнинг энг олис худуди - Пахтакор туманига кириб бораракансиз, бугунги кун нафаси яққол сезилиб турган бу замонавий гўшадан бир неча чакирим нарида бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий қалъа мавжуд бўлганига ишонгингиз келмайди.

Бир пайтлар Фарбу Шарқни боғлаган Буюк Ипак йўлининг бир кисми бўлган қадимий кўчадан кетиб бораракансиз, Зарафшон дарёсининг чап соҳилида, катта-кичик тепаликлар бағрида, тупроқ остида қолиб кетган Дабусия қалъаси ўрнига етиб келганингизни ҳам сезмай қоласиз. Ҳар йили баҳор бу тепаликлар – сон-саноқсиз қабрлар узра ўзининг зангори гиламини тўшайди. Ер бағрини ёриб чиққан миллионлаб майсалар, алвон қизғалдоклар худди номаълум алифбода, турфа рангларда битилган битиклар сингари бизни мозийнинг сирли манзиларига чорлайди...

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир пайтлар ана шу кенгликларда Дабусия қалъаси қад ростлаган. Уни турли манбаларда Дабусқалъа, Дабусий, Дабус, Даҳбус сингари номлар билан аташган. Зарафшон дарёсининг телбavor мвжлари қалъанинг шимолий де ворларини ювиб, кейпн ўнг тарафга бурилиб кетади.

Ривоятларга кўра, ана шу де ворларда пайғамбаримизнинг амакиваччалари, Ҳазрати Али (р.а.) нинг бармоқ излари сақланиб қолган экан. Табиийки, бугунги кунда қалъа ҳам, унинг девори ҳам, у едаги табаррк излар ҳам йўқ. Бўлганда ҳам, уни ҳазрати Алига нисбат бериш ўринсиз бўлар. Чунки, ул зот бизнинг диёrimizга қадам босманлар.

Самарқанд ва Бухоро орали гигидаги бу қадимий қалъа ҳақида ўтмишдаги тарихнавис олимлар қимматли маълумотларни ёзиб қолдиргандар. Жумладан Хасрда яшаб ижод қилган географ олим Абдул фараж Басрийнинг ёзишича, Дабусия шаҳрига Искандар Макдуний асос соглан эмиш. Тарихчи наршахий эса, унинг ёши хатто Бухородан ҳам қадимиюрқ эканини таъкидлайди.

“Дабус” сўзи арабтилидан таржи-

# ЦАБУСИЯ: “УНУТИЛГАН” ШАҲАР НИДОСИ

ма қилинганда темир гурзи, тўқмоқ, деган маъноларни билдиради. Қалъа ўз даврида темирда мустаҳкам килиб курилгани боис, ана шундай аталган бўлиши мумкин. Тўқкизинчи асрда яшаган араб тарихчиси Ал-Яъқубий ҳам бу қалъани “дushman тифи ўтмайдиган, мустаҳкам ва машхур шаҳар” деб таъкидлаган эди”...

Яна бир машхур тарихчи Абу Жаъфар ат-Табарий Дабусия ҳақида тўхталиб, бу ерни 10 минг нафар сарбоз қўриқлаганини ёзади. Шунингдек, Ал-Муқаддасий, Ёкут Ҳамавий, Ибн Ҳавқал, Ибн Хурдобех, Ас-Самъоний, Абу Райхон Беруний, Абул-Фидон сингари ўрта аср алломалари Дабусия билан боғлиқ маълумотларни ўз асарларида келтириб ўтадилар.

Мазкур тарихий манбаларда Дабусияда жуда катта бозорлар, масжид ва мадрасалар фаолият кўрсатгани, олтин, кумуш ва мис тангалар зарб этиладиган зарбоналар бўлгани ўз аксини топган. Бир замонлар Дабусияда тўқитлган “вадорий” деб номланган матоларнинг Фарбу шарқда боори чакқон бўлган. Шунингдек, Дабусияда жундан тўқилган матолар ва теридан ясалган маҳсулотлар ҳам кўп микдорда ишлаб чиқарилган ва савдогарлар томонидан дунёнинг турли бурчакларига олиб кетилган. Буларнинг бари Дабусий ўз даврида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий жиҳатдан катта мавқега эга бўлганидан далолат беради.

Дабусия ахли азалдан мард, жасур, эркпарвар бўлгани ҳақида тарихий манбалар ҳам, халқ орасидаги афсонаю ривоятлар ҳам далолат беради. Араб лашкарбошиси Кутайба ибн Муслим ўз қўшини билан Бухорони қамал қилганида унинг ҳукмдори ёрдам сўраб, Дабусияга элчи жўнатади. Дабусияликлар зудлик билан Бухоро шаҳрига йўл олади ва бухоролик мудофаачилар билан бирлашиб, душманни Амударёнинг нариги кирғогига улоқтириб ташлайди.

Орадан кўп ўтмай, Кутайба кўшин тўплаб, Афросиёб шаҳрига хужум уюштиради. Лекин Бухоро ва Дабусия лашкарлари яна бирлашиб душманни мағлуб этади.

Шунда Кутайба аввал Дабусия-

ни бўйсундирмаса, Бухорони ҳам, Самарқандни ҳам ололмаслигини англаб етади. Шунинг учун ҳам кейинги мағлубиятдан сўнг куч тўплаб, Дабусия қалъасига хужум қилади. Бир неча кун давом этган қақшатқич тўқнашувлардан сўнг Кутайба қалъа деворларининг мустаҳкамлиги, ҳимоячиларининг моҳир чавандоз, ўткир мерғанликларига тан беради. Камон ўқлари ва қилич тиғларига кучли таъсир этувчи заҳар суртилганлиги боис, ундан жароҳат олган ёғиллар дарҳол ҳалок бўларди. Шунда Кутайба қалъани қамал ҳолатида сақлашга қарор қилади. Қалъага кириб-чиқувчи яширин йўллар, чашмалардан сопол кувурлар орқали сув оқиб келиши, маҳсус омборларда озиқ-овқатлар сақланишини душман билмаган. Бу ерда беш йилгача етадиган қуритилган гўшт, мевалар, дон улкан сопол кўзаларда сақланган.

Араблар кўлига асир тушиб қолган дабусияликларни сир олиш учун жуда қаттиқ қийноққа солинган. Асирлар хоинликдан кўра мардларча ўлимни афзal билиб, ўз тилларини тишлаб узиб ташлаганлар.

Ниҳоятда тангахвонда қолган Кутайба қалъа атрофидаги қишлоқлар аҳолисини қатл қилишга фармон беради. Шундан кейин қалъа мудофаачилари сони кескин камайиб боради. Улар ўзларини ўлимга маҳкум этсалар-да, таслим бўлишмайди. Шундан кейингина босқинчилар химоясиз қолган қалъага бостириб киргандар.

Қалъа худудида олиб борилган илмий изланишлар жараённида топилган иш қуроллари, рўзгор буюмлари, хунармандчилик ускуналари, овчилик ва чорвачилик қуроллари сифати, пишиқлиги, ихчамлиги ва ташқи кўриниши билан анча тараккий этганлигидан далолат беради. Ҳатто, қалъанинг бутун худудига сопол кувурлар ётқизилиб, канализация тизими яратилган, тоза ичимлик суви таъминоти йўлга кўйилган.

Тарихий манбаларни вараклар эканмиз, бир пайтлар бу кўхна кент не-не фотиҳу жаҳонгирларни кўрганига амин бўламиз. Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захриридин Мухаммад Бобур сингари буюк аждодларимиз бу масканга қадам ранжида қилишган. Эҳтимолки Самарқандда умрининг энг навқирон дамларини кечирган Ҳазрат Навоий ҳам бир муддат Дабусияда тўхтаб ўтган, балки мана шу кенгликларда туриб, ўзининг малоҳат ва назокатга бой байтларини битган дидир?

Дабусияда тугилган алломалар ичida энг машхури фақиҳ, қози Абу Зайд Убайдулло ибн Умар ад-Дабусийдир. Ул зот Бухоронинг етти машхур қозисидан бири, ҳанифий мазҳабининг йирик вакили ва пешвоси бўлганлар. Абу Зайд ад-Дабусий 978 йили Дабусияда таваллуд топган ва шу ерда улғайиб машхур алломалардан таълим олиб, фикҳ имининг билимдони бўлиб етишган.

Дабусий нисбаси билан танилган яна ўнлаб алломалар номи ва асарлари бизгача етиб келган. Бу эса, Дабусия қадимий маданият ва маърифат бешикларидан бири бўлганини яна бир карра тасдиклайди.

Дабусия асрлар давомида баркарор, мустаҳкам қалъа сифатида мавжуд бўлган. Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар сингари сулолалар даврида ҳам Дабусия ўз стратегик аҳамиятини йўқотмай келган. Ўн тўққизинчи асрнинг биринчи ярмида, Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар давридан бошлаб, қалъа Зиёвуддин номини олган. Дасттлаб, дабусия ва Зиёвуддин атамалари тенг кўлланган бўлса, кейинчалик, дабусия атамаси истеъмолдан чиқиб кетган. Ўша пайтларда Зиёвуддин ҳам қалъа номи, ҳам Бухоро амирлигидаги вилоят номи сифатида кўлланган. Бугунги Пахтакор тумани маркази – Зиёвуддин шаҳри эса, тарихий Дабусиядан 7-8 чақирим масофада жойлашган.

Дабусия нима сабабдан хувиллаб қолгани, одамлар бу худудни ташлаб кетгани ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Бу ҳолни қўпчилик қалъадан бир неча чакирим масофда, бугунги Пахтакор тумани марказида янги Зиёвуддин шаҳрининг юзага келиши, ахлиниг қўпчилиги шу ерга кўчиб келиши билан изоҳлашади.

Ха, бугун бу тарихий худудда ана шу девор парчаларию, ягона обида Баҳра ота мақбарасидан бўлак иншоотни учратмайсиз. Мазкур иншоот ўрта асрларда қад ростлаган бўлиб, унда бир пайтлар шу худудда яшаб ўтган улуғ алломалардан бирининг хоки ётиби.

Кўхна Дабусия кенгликлар узра яна бир окшом чўкмоқда. Бу масканни тарқ этарканмиз, дилимиздан ўтаётган ҳазин, тушуниксиз туйғулар ўз-ўзидан куйма сатрларга айланади.

Бунда ҳар бир қадам – асрларларга тенг, Ҳар зарра мангалик, эркнинонаси. Қадим Дабусия – кўхна тарихнинг Янги дунёдаги элчихонаси...

Рустам ЖАББОРОВ

# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ИҚТИДОРЛАР”

Инсон қўли гул. Унинг нозик дид ила яратган санъат намуналари ўзининг жозибадорлиги билан қўнгилларга ҳузур бағишилайди. Санъатга ошуфта диллардан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Бирор асар яратишга шайланган инсоннинг ички иқтидорига айни гуллаган табиат ғойибона куч беради.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани “Баркамол авлод” болалар мактабида “Янги Ўзбекистонда янги иқтидорлар” шиори остида “Ижодкор ёшлар — юрт келажаги” деб номланган фестивал-танловнинг мақсад-муддаоси ҳам айнан янги иқтидорларни юзага чиқаришга қаратилди.

Дарҳақиқат, тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, истеъоддли ўқувчиларни аниқлаш, улар иқтидорини юзага чиқаришга қўмаклашшиш ва қўллаб-кувватлашдир. Танловда ўқувчи ёшлар эҳтиёж ва қизиқишлирга мувофиқ маданият ва санъат, техника, конструкторлик ва моделлаштириш, хунармандчилик ва қўл меҳнати йўналишлари бўйича ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашдилар.

— Мазкур фестивал-танловда тумандаги 34 та умумтаълим мактабларидан иқтидорли ўқувчилар ўз ижодий ишлари билан иштирок этишиди — дейди туман ҳалқ таълими бўлими мудири ўринбосари Саида Музаффарова. — Улар “Маданият ва санъат” йўналишининг тасвирий санъат, либослар дизайнни, “Техника, конструк-



торлик ва моделлаштириш” йўналишининг авиамодел, робототехника ва конструкторлик, ёш архитектор ҳамда “Хунармандчилик ва қўл меҳнати” йўналишининг дурадгорлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, мунҷоқли безак, тўқиши, моҳир қўллар каби турлари бўйича ижодий асарларини намоён қилишиди.

Фестивал-танловда ўқувчилар жуда фаол қатнашдилар. Ҳар бирининг юз-кўзларидан “менинг ишим қандай баҳоланааркан?” деган ҳадик аралаш



орзу-истак мужассамлиги билиниб турибди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир йўналиш бўйича бир нафар ўқувчининг иккитадан ижодий иши кўриб чиқилиб баҳоланди. Ғолиб бўлганлар диплом ва қимматбаҳо совфалар билан тақдирландилар.

Фестивал-танловда 1000 дан ортиқ ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда педагоглар иштирок этишиди. Тадбир давомида “Баркамол авлод” болалар мактаби тўғараги аъзолари томонидан ижро этилган қўшиқ, рақс ва сахна қўринишлари йигилгандар кўнглига бир олам кайфият бағишилади.

**Фоур ЖАБИЕВ,  
Мирзо Улуғбек туманидаги  
207-мактабнинг Ижодий-маданий  
масалалар бўйича тарғиботчisi.**

## Ҳуқуқий саводхонлик



тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ёзган аризасида унинг ўз меҳнат вазифаларини давом эттиришининг иложи йўқлиги, яъни ўқув юртига қабул қилингандиги, пенсияга чиқсанлиги, сайланадиган лавозимга сайлангандиги, соғлигининг ҳолатига кўра мазкур ишини давом эттира олмаслиги. биринчи гурух ногирони бўлган оила аъзосига қарashi кераклигини сабаб қилиб келтирган бўлса иш берувчи ходим сўраган куни у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши керак.

Огоҳлантириш муддати ёки келишилган муддат тугасаю иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинмаса, ҳар бир кун учун мажбурий ҳақ тўлаши керак. Ушбу муддат тугамасдан олдин ходим меҳнат шартномасини бекор қилиши тўғрисидаги аризасини қайтариб олиши мумкин. Огоҳлантириш муддати тугасаю ходим ҳам ишини давом эттираверса, иш берувчининг ҳам қаршилиги бўлмаса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси ўз кучини йўқотади.

**Камола ШОДИЕВА,  
Тошкент шаҳар юридик техникуми  
ўқитувчisi**



## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бош мухаррир  
Мақсад ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-508

Адади: 1507.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табок.

Бахоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

**Навбатчи:  
Дилбар МАҲМУДОВА**

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

## ЭЪЛОН

Тошкент фармацевтика институти томонидан Бердикулова Умида Турдикулова номига берилган 278330 рақамли диплом йўқолганли сабабли ушбу хужжат ўз кучини йўқотганлиги эълон қилинади.

# Сўз заргари эди

**Академик Ботурхон Валихўжаевнинг “Ўзбекистонда адабий-танқидий қарашлар тараққиёти тарихи (XV-XIX асрлар)” мавзуидаги диссертацияси адабиётшунослик, адабий танқидчиликнинг илдизлари, шаклланиш босқичлари ва манбалари ҳақида жуда зарур ва қизиқарли маълумотларни ўзида ифода этганлиги, адабиёт илми учун муҳим тадқиқот бўлғанлиги, адабий-танқидий қарашларнинг илдизларига назар ташланганлиги билан илмда катта аҳамият касб этди.**

Олим номзодлик ишида ўзбек халқининг адабиётшунослиги ва адабий-танқидий қарашлари тарихи, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, унинг бадиий ижод тараққиётида мавқенини белгилашда бир қатор адабиётшунос олимлар, жумладан, С.Айний, А.Саъдий, Э.Бертельс, И.Мўминов, О.Шарафиддинов, М.Шайхзода, В.Зоҳидов, И.Султон, В.Абдуллаев, Г.Каримов, А.Хайитметов, А.Қаюмов, Н.Маллаев, С.Ғаниева, Ҳ.Қудратуллаевлар ўзларининг турли асарлари билан хисса қўшганлигини айтиб ўтган.

Диссертацияда XX аср бошлари гача бўлган даврда ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқид тарихи изчил баён этилган.

Олим яна бир билвосита жанр шеърий парчаларда ҳам адабиётшунослик ва адабий танқидга оид фикрлар у ёки бу тарзда учрашини таъкидлаб, бунга Навоий соқийномаси, Шермуҳаммад Муниснинг “Шеър” номли китъясини мисол тариқида келтиради. Бундан ташқари, шарқда ўн икки қисмдан иборат лугат, сарф, нахъ, маони, баён, аruz, қофия, са-ноеъ каби илми адабга доир асарлар туркуми; достонларнинг сўзнинг аҳамияти, шоирлар тўғрисида мулоҳазалар акс этган айрим боблари; маълум бир даврнинг адабий муҳити, шоирлари ҳақида бир қатор маълумотлар келтирилган тарих ва тарихий эсдалик асарлар (Мирхондинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Муниснинг “Фирдавс ул-иқбол” каби тарихий асарлари мисол сифатида келтирилган); айрим бобларида шеър ва шоирлик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган насиҳатномалар ҳам ана шундай билвосита жанрлар гурухига киритилади.

Кейинги бевосита жанрларга тазирилар, маноқиб-холот ва рисолалар, аruz, қофия ва санъатларга багишланган рисолалар, девонларнинг дебочалари, рўзнома ва ойномаларда босилган мақолалар киритилади ва улар тўғрисида, баҳс юритган масалалар тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилиб, XX асрнинг бошларида турли хилдаги ойномалар чиқа бошлагач, янги турдаги адабиётшунослик ва адабий танқидий қарашларни ифода этувчи жанрлар пайдо бўлганлиги айтиб ўтилади.

“Тараққиёт босқичлари” бобида ўзбек адабиёти тарихининг XV асрдаги ҳолати, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг тараққиёт босқичига катта хисса қўшган ижодкорлар ҳақида фикр юритилади. Жумладан, Абдураҳмон

Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайнӣ, Ҳондамир, Сайфий Бухорий ва бошқаларнинг шу мавзудаги асарлари; Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари тўғрисида алоҳида тўхталиб, “Ҳамса” таркибида достонлари, “Лиссон ут-тайр”, “Мезон ул-авzon”, “Муфрадот”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер”, “Ҳамсат ул-мутаҳайирин” каби асарларидаги шоирлик ҳамда адабиёт, шеърият конун-қоидалари ҳақидаги муҳим фикрлари шарҳланади. Олим таърифика, Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим ва адабий танқидчи сифатидаги фаолияти кўпинча бир-бирига коришиб, яхлитлиқда на-моён бўлади.

Олим таъкидича, Навоий ўз асарларида замонасидаги адабий жараён ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда бадиий ижодга оид фикрларни турлича муносабат ва шаклда баён этиши на-тижасида адабий йўналишнинг назарий асосларини белгилаб берган.

Академик Б.Валихўжаев Алишер Навоийнинг ўтмиш шоирларга бўлган муносабатини адабиётшунос сифатида, замондошлари ҳақида сўз юритганда, адабий танқидчи сифатида кўради. Шоирасарларида Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Аҳмад Яссавий, Адиг Аҳмад Юнгакий ва Ҳайдар Хоразмийгача бўлган даврдаги адабиётнинг йирик намояндлари ва турли муносабат билан араб шоирлари, юон донишманлари тилга олинади.

Алишер Навоийнинг адабиётшунос сифатидаги фаолиятининг моҳиятимаълум асарларнинг қайси тилда ёзилганидан, қайси ҳалқ вакили томонидан яратилганидан қатъи назар уларнинг умумбашарий аҳамиятини тўғри белгилаб, асарлар муаллифлари фаолиятини ҳаққоний тарзда юксак қадрлаганлигини юқори баҳолайди.

Бу каби хусусиятларни тўплашдан мақсад, албатта, Алишер Навоий ижодидаги адабий танқид ва адабиётшуносликка оид бўлган фикрларни жамлаш, умумлаштириш ва бутун дунё тан олган адабиётшунослик қарашлари билан таққослашдир.

Устоз Навоий ижодидаги ўтмиш ижодкорлар фаолиятига баҳо беришда ўта эҳтиромда бўлиш, бадиийлик ва ҳаққонийликнинг аралашиб кетмаслиги, тарихийлик ва бадиийлик масалалари, ўзидан олдин ўтган муаллифлар ижодиётининг мақтогва сазовор томонлари тўғрисида ҳақли равишда самимият билан сўз юритгани ҳолда айрим номутаносиблик

ни ҳам хуш такаллуф билан асосли тарзда кўрсатганлиги-га эътибор қаратади.

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари нафакат шоирнинг ўзига, балки, замондошлари учун ҳам дастурламал бўлиб хизмат килганлиги алоҳида таъкидланади.

Ушбу бобда “Алишер Навоий ва замондошлари”, “Навоий “Мажолис ун-нафоис”ининг адабий-танқидий қарашлар тарихидаги аҳамияти” каби бўлимларида ҳам Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари ўз ифодасини топган. Улардаги асосий ўзига хослик ва ютуклар шундан иборатки, шоирнинг ҳар бир ижодкорга бўлган эътибори ва ҳар бир ижодий асарни синчилаб ўрганганлиги натижасида унда адабиётшунос сифати намоён бўлганлиги кайд этилади.

“Анъана ва янгилик” боби XVI асрдан XIX аср охиригача бўлган даврдаги адабий-танқидий қарашлар тарихига багишлиланади. Унда ҳам хали адабиётшунослар томонидан катта эътибор қаратилмаган бир қатор муаллифлар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар берилади ва кенг шарҳланади. Жумладан, Ҳофиз Танишнинг “Абдулланома”, Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира”, Муниснинг “Фирдавс ул-иқбол”, Зайниддин Муҳаммад Восифийнинг “Бадоев ул-вақоев” каби асарлари XVI-XIX асрларда яратилган адабий-танқидий қарашларни ўзида мужассамлаштирган тарихий-эсдалик асарлар сифатида баҳо берилади ҳамда улардаги адабий-танқидий фикрлардан мисоллар келтирилиб, шарҳланади. Мунис, Нишотий, Махмур, Ҳозик, Муқимий, Фурқатлар ва XIX асрдаги “Ал-ислоҳ” саҳифаларида эълон қилинган адабий-танқидий қарашлар баён этилади.

Ушбу бобда Захиридин Муҳаммад Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Унинг шеърлари, “Рисола аруз” ва “Бобурнома” сидаги адабиётшунослик ва адабий танқидга тегишли бўлган фикрларидан баҳраманд бўлишимиз мумкин. Айниқса, анъана ва янгиликка бўлган қўйидаги муносабати диққатга сазовор:

“Ҳар кимдан яхши қоида қолғон бўлса, анинг бирла амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак”.

Бунда Бобурнинг адабиётшунос ва танқидчи сифатида бирёкламаликка йўл қўйган жиҳатлари ҳам бўлганлигини унутмайди. Жумладан,



М.Солиҳнинг ижодига Бобур томонидан берилган баҳода у душмани Шайбонийхонга хизмат қилганлиги боис ижодига ҳам нохолис баҳо берганлиги ҳолати бутун бир достондан бир байтгинасини маъқул кўрганлиги билан изоҳланади.

Устоз Б.Валихўжаев Бобурнинг адабий-танқидий қарашларида щоир ва ёзувчиларнинг асарларида кузатган камчиликларни кўрсатишга иштилиш ҳолати тез-тез учраб туриши, бу эса Бобурни адабий жараён, унинг намояндлари ижоди ва маълум асарлари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён эта олган адабиётшунос ва танқидчи сифатида бўй кўрсатишини алоҳида таъкидлайди.

Булардан ташқари, устоз “Аруз рисоласи” ҳақида ёзар эканлар, адабиётшунослик илми учун қимматли бўлган бир қатор маълумотларни келтиради. Аруз илми ҳақида гап кетганда, Б.Валихўжаевнинг ўзлари ҳам йирик арузшунос олим бўлганлигини пайқаш мумкин. Чунки, аruz ҳақида тадқиқот олиб бориш учун шеър илми, хусусан, аruz илмининг чукур билимдони бўлиши зарур. Шунингдек, олим Захиридин Муҳаммад Бобур нафақат, арузшунос олим сифатида шеъриятни кузатганлиги, қиёслаб ўрганганиб, мисоллар келтирганлиги, балки, йирик щоир сифатида ўзининг ғазалларидан кўплаб мисоллар келтирганлигидан ўзбек ва қардош ҳалқлар шеъриятини синчилаб ўрганганини, унинг хусусиятларини аниқлаганлигини, Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари ўша давр адабий жараённи ва унинг тарихини ўрганишда ҳамда ана шу адабий тажрибага асосланган назарий умумлашмаларни тадқик этишда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Ушбу муҳташам тадқиқот ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихида XX асрнинг 20 йилларигача бўлган даврдаги ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги тараққиёти ва тарихи тўғрисидаги фикрларни умумлаштирган муҳим илмий иш саналади.

**Машхура ҲАСАНОВА,  
Шароф Рашидов номидаги  
Самарқанд давлат  
университети катта ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори**